

# **МУҒАЛЛИМ ҲАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ**



*Илимий-методикалық журнал*

---

**2024**

**5/2-сан**

*Ўзбекистан Республикасы Министрлер Кабинети жанындагы  
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының  
25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа сөз хәм хабар агентлиги тәрәпинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды.  
№01-044-санлы гүўалық берилген.*

# 5/2-сан 2024 октябрь

Шөлкемлестіріушілер:

Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириу Министрлиги,  
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы

**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ	Захия НАРИМБЕТОВА
Нағмет АЙЫМБЕТОВ	Хушбоқ НОРБЎТАЕВ
Айтмурат АЛЬНИЯЗОВ	Уролбой МИРСАНОВ
Сапардурды АБАЕВ	Сафо МАТЧОН
Адхамжон АБДУРАШИТОВ	Шукурулло МАРДОНОВ
Хайрулла АЛЯМИНОВ	Абдулхамид МИРЗАЕВ
Мавлюда АЧИЛОВА	Камаладин МАТЯКУБОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ	Алима МАТКАРИМОВА
Алишер АЛЛАМУРАТОВ	Арзы ПАЗЫЛОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ	Барлықбай ПРЕНОВ
Интизар АБДИРИМОВА	Қалыбай ПРИМБЕТОВ
Тўлқин АЛЛАЁРОВ	Раьно ОРИПОВА
Марифжон АХМЕДОВ	Бахтиёр РАХИМОВ
Умида БАҲАДИРОВА	Норим РАХМАНОВ
Фархад БАБАШЕВ	Мукаддас РАХМАНОВА
Ботир БОЙМЕТОВ	Дурдона РАХМАТУЛЛАЕВА
Гулзода БОЙМУРОДОВА	Светлана СМІРНОВА (Москва, Россия)
Шахло БОТИРОВА	Феруза САПАЕВА
Комил ГУЛЯМОВ	Мухаббат САЛАЕВА
Маманазар ДЖУМАЕВ	Қаххор ТУРСУНОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ	Амина ТЕМИРБЕКОВА
Дилдора ДАВРОНОВА	Нурзода ТОШЕВА
Мухтар ЕРМЕКБАЕВ (Шимкент, Қазақстан)	Куанишбек ТУРЕКЕЕВ
Алишер ЖУМАНОВ	Тажибай УТЕБАЕВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА	Саодат ТОШТЕМИРОВА
Холбой ИБРАГИМОВ	Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ
Шохида ИСТАМОВА	Мамбеткерим ҚУДАЙБЕРГЕНОВ
Умида ИБРАГИМОВА	Амангелди КАМАЛОВ
Алима КЕНЖЕБАЕВА (Тараз, Қазақстан)	Ризамат ШОДИЕВ
Джавдод ПЎЛАТОВ	Зафар ЧОРШАНБИЕВ
Ярмухаммат МАДАЛИЕВ (Шимкент, Қазақстан)	Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ
Меруерт ПАЗЫЛОВА	Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Пердебай НАЖИМОВ	Тармиза ХУРВАЛИЕВА
Асқарбай НИЯЗОВ	Умид ХОДЖАМҚУЛОВ
Сабит НУРЖАНОВ	Жавлонбек ХУДОЙБЕРГЕНОВ
	Гулрухсор ЭРГАШЕВА
	Гавхар ЭШЧАНОВА
	Қонысбай ЮСУПОВ

## МАЗМУНЫ

### ТИЛ ХЭМ ӘДЕБИЯТ

<b>Alniyazov A.I.</b> Ana tilinde ózinshe pikirlewdi rawajlandırıw máseleleri .....	8
<b>Suyunov B.T.</b> Lakunar birliklar tezaurusi .....	16
<b>Shofqorov A.M.</b> Kelishik kategoriyasining o'rganilish tarixiga doir .....	20
<b>Xudaykulov Sh.U.</b> Xorijiy til ta'limida kognitiv-kommunikativ yondashuv .....	26
<b>Hafizova M.A.</b> Tarjima va badiiy mahorat .....	34

### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Abdullayeva M.R.</b> Pedagogik yo'nalishdagi talabalarning huquqiy kompetensiyalari muhim xususiyatlari .....	41
<b>Baxodirova U.B.</b> Bo'lajak biologiya o'qituvchilarini tayyorlashda virtual ta'lim texnologiyalardan foydalanish muammolari .....	47
<b>Shonazarova S.R.</b> O'quv jarayonida falsafiy aksiologik yondashuvni takomillashtirishning pedagogik shart - sharoitlari .....	55
<b>Sabirova O. Sh.</b> Zamonaviy ta'limda sun'iy intellektdan foydalanish .....	61
<b>Bozorov H.N.</b> Nofizik ta'lim ta'lim yo'nalishlarining malakaviy tavsiflari tahlili, kasbiy kompetensiyalar tuzilmasi va ierarxiyasi .....	66
<b>Nigmanova U.B.</b> Bo'lg'usi o'qituvchilarda milliy o'zlikni anglash kompetensiyasini rivojlantirish mexanizmini tadbiq etish yo'llari .....	72
<b>Alimov M.</b> Iqtidorli yoshlar-kelajagimiz poydevori .....	77
<b>Qurbonova M.E., Abdulaxatova M.A.</b> Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri usulida talabalarga kimyo fanini o'qitishda o'quv faoliyatini tashkil etish va takomillashtirish masalalari .....	81
<b>Qurbonova M.E., Abdulaxatova M.A.</b> Klaster yondashuvi asosida bo'lajak kimyo fani o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini rivojlantirish .....	85
<b>Arslonova G.K.</b> Individual ta'lim muhitida talabalarning kasbiy-ijodiy ko'nikmalarini rivojlantirishning zamonaviy texnologiyalari .....	90
<b>Matkarimova M.K.</b> Ingliz tili fanini o'qitishda o'quvchilarning kreativlik qobiliyatlarini rivojlantirish .....	96
<b>Umirova N. J.</b> Individual yondashuv asosida bo'lajak maktab o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini rivojlantirish metodikasi .....	101
<b>Эшанев Н.Ж.</b> Замонавий инновацион таълим муҳитида мобил мутахассис тайёрлашнинг ижтимоий зарурат эканлиги илмий тадқиқотларда ақс этиши .....	105
<b>Sa'dullayeva M.H.</b> Mukammal xotira va eslab qolish sirlari .....	114
<b>Mirzakarimov X.Yu.</b> Talabalarda vatanparvarlik fazilatini rivojlantirishning konseptual jihatlari .....	122
<b>Eshnaev N.J.</b> OTMlarda mobil mutaxassis tayyorlash va kasbiy yo'nalganlikning ilmiy tadqiqot natijalariga asoslanishi hamda samaradorligi .....	129
<b>Dehqanova M.G'.</b> Daktilema paydo bo'lishi va uning foydalanish turlari .....	135
<b>Karatayeva L.U.</b> Sharq mutafakkirlarining ta'lim-tarbiya borasidagi qarashlari .....	141
<b>Yuldasheva S.M.</b> Shaxsning kasbiy faoliyatida uchraydigan asosiy psixologik muammolar .....	150
<b>Amangeldiyev S.N.</b> O'smirlarda kuzatilayotgan irodasizlikni keltirib chiquvchi sabablar .....	156
<b>Dilmurodova Z.D.</b> Shaxsda qobiliyat rivojlanishining pedagogik-psixologik omillari .....	159
<b>Ибадуллаева Ш.Н.</b> Махсус педагогларни касбий фаолиятга тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида .....	162
<b>Tojiboev M.N.</b> Talabalar tafakkurini rivojlantirishda innovatsion yondashuv .....	168
<b>Meyliyeva M.S.</b> Tafakkurning innovatsion rivojlanishiga pedagogik hamda psixologik faktorlarning ta'siri .....	176
<b>Mirzaraximova G.I.</b> Nutq faoliyati va ularning xususiyatlari .....	179
<b>Yunusova X.Sh.</b> O'zbekiston respublikasida inkluziv ta'limni tadbiq qilish masalalari .....	185



## МАХСУС ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

*Ибадуллаева Ш.Н.*

*Чирчиқ давлат педагогика университети  
“Махсус педагогика” кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** махсус педагог, касбий фаолият, механизм, такомиллаштириш, ижтимоий-педагогик муаммо, имконияти чекланган болалар таълими тизими.

**Ключевые слова:** специальный педагог, профессиональная деятельность, механизм, совершенствование, социально-педагогическая проблема, система образования детей с ограниченными возможностями здоровья.

**Key words:** special educator, professional activity, mechanism, improvement, social and pedagogical problem, education system for children with disabilities.

### **Резюме:**

Ушбу мақола педагогларни касбий амалиётга тайёрлаш мақсадида олий таълим амалиётига инновацион таълим технологиялари ва оптимал механизмларни тадқиқ этиш, педагогик амалиёт жараёнида ахборот муҳитини яратиш ҳақида маълумотлар берилган

### **Резюме:**

В статье представлена информация об исследовании инновационных образовательных технологий и оптимальных механизмов практики высшего образования с целью подготовки педагогов к профессиональной практике, создания информационной среды в процессе педагогической практики.

### **Summary:**

The article provides information on the study of innovative educational technologies and optimal mechanisms for the practice of higher education with the aim of preparing teachers for professional practice, creating an information environment in the process of teaching practice.

Янги Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири имконияти чекланган болалар таълими тизимини такомиллаштириш ҳисобланади. Мазкур таълимни сифатли кадрлар билан таъминлаш масаласи махсус педагогиканинг марказий масаларидандир. Чунки олий таълим узлуksиз таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланиб, кадрларга бўлган ижтимоий буюртмани амалга оширишдек долзарб вазифани бажаради.



Махсус педагогларни касбий амалиётга тайёрлаш мақсадида олий таълим амалиётига инновацион таълим технологиялари ва оптимал механизмларни тадқиқ этиш, педагогик амалиёт жараёнида ахборот муҳитини яратиш, талабаларнинг мустақил таректориясини самарали ташкил этиш, улар эришган натижаларни баҳолашнинг халқаро мезонларини амалиётга татбиқ этиш каби масалалар давлатнинг қатор ҳужжатларида алоҳида вазифалар сифатида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида, жумладан, “...таълимнинг узлуксизлигига эришиш мақсадида умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим дастурларининг уйғунлиги ва изчиллигини таъминлаш; индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш; талабаларнинг мустақил таълим соатларида, назарий ва амалий машғулотлар ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш”- каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур вазифалар олий таълимнинг барча йўналишлари қаторида махсус педагогика йўналишида ҳам ўқув жараёнига замонавий педагогик технологиялар, вариатив ўқув режаларсиз, касбий йўналган дастурларсиз ва адаптивлаштирилган ўқув-методик материалларни манзилли жорий этишсиз, профессор-ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятини ташкил этишсиз амалга ошмайди. Қачонки, олий таълим педагогида янгиликка интилиш, етакчи тенденцияларни ўрганиш ва жорий этишга йўналганлик, ижтимоий буюртма талабларини қадрият даражасига кўтариш ҳисси шакланмас экан, бўлажак мутахассис-педагогларда касбий мотивация, ўқитиш методикаларини ўрганиш, педагогик-психологик диагностика инструментларини қўллашга интилиш, модуларни тўлиқ ўзлаштиришга масъулиятни таркиб топтириб бўлмайди. Бундан ташқари давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020-йил 29-октябрдаги ПФ-6097-сон “Ilm-fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi farmonlari, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда бошқа олий таълимга доир норма-



тив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг аксарияти, асосан, олий таълим мазмунини жаҳон тенденциялари асосида модернизациялашни, кадрлар тайёрлаш амалиётига илғор халқаро тажрибаларни олиб киришни, назария ва амалиёт уйғунлигига асосланган таълимни ташкил этишда самарали технологиялардан фойдаланишни кўзда тутди.

Маълумки, инклюзив таълим, коррекцион таълим, уйдаги таълим ва бошқа имконияти чекланган болалар учун мўлжалланган таълимга интегратив компетенцияларга эга кадрларни тайёрлашга диор ислохотлар нафақат Ўзбекистонда, балки етакчи мамлакатларда ҳам тез суръатларда амалга оширилмоқда. Чунки узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинида трансформация жараёни тезлашмоқда. Бу вазият замон талаби, ахборотлашган муҳит, инсон ва жамият тафаккури имкониятларининг кенгайиб, кўп қирралилик тавсифга эга бўлиб бораётганлиги билан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда педагогик ёндашувлар, жамоатчилик дунёқарашидаги ўзгаришлар ҳамда кундалик ҳаёт фаолиятини ахборотлаштириш шароитида ХХI аср талабасининг академик-ижтимоий эҳтиёжларига мослашувчан инновацион ёндашувлар татбиқ этилмоқда. Жумладан, ўқитиш жараёнида замонавий технологияларнинг қўлланилиши, аввало, талаблар ўзгариши, талаба ҳамда педагог ўртасидаги фаолиятнинг дўстона муносабатга асосланиши, мустақил қарор қабул қилишга ундовчи муҳит яратишга эҳтиёжнинг кучайиши билан боғлиқдир. Бундан ташқари давлат ва жамият ҳаётидаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар интервалининг қисқалиги ва мунтазамлиги талабаларни мустақил таълим олиш, касбий амалиёт моделларини яратишга имкон берувчи ўқитиш шакли ва ёндашувларидан фойдаланишга ундамоқда. Айнан мана шундай ёндашувларнинг кенг қамровли қўлланилиши учун ҳамда талабаларда касбий компетенцияларни назария ва амалиёт уйғунлигида шакллантириш учун мос ва қулай муҳит педагогик амалиёт жараёнидир. Педагогик амалиёт мазмунини такомиллаштириш, оддий ҳисоботлар учун мўлжалланган тизимдан, амалий йўналган ва касбий йўналганликни намоён этишга мотивацияловчи жаарёнга ўтиш биз танлаган муаммонинг бош илмий мўлжали ҳисобланади. Шунинг учун махсус педагогика йўналишида сифатли кадрлар тайёрлаш имконини берувчи индивидуал йўналган таълимий фаолиятни педагогик амалиёт жараёнида ташкил этишнинг шакл ва усулларини танлашда олий таълим педагогларидан касбий сезгирлик ва педагогик масъулият тақозо этиляпти. Биз олий таълимда талабаларнинг академик-ижтимоий траекториясини самарали ташкил этишнинг дидактик ҳамда психологик имкониятларини алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Чунки педагогик амалиёт



даврида талабаларнинг жараёнга психологик тайёр бўлиши муҳим шартлардан ҳисобланади. Педагогик амалиётда талабалар касб эгалари билан, ўзлаштириши турлича ва ўзига хос индивидуал хусусиятларга эга ҳамда ривожланишида муаммолари бўлган ўқувчилар (мактабгача ёшдаги болалар) билан мулоқотга киришадилар. Ушбу мулоқот асосида улар касбий фаолият моделларини бевосита ўзлаштирадилар. Шунинг учун биз тадқиқот доирасида турли давлатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўрганишга эътибор қаратдик.

Маълумки, охириги ўн йилликда Англия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония ва Америка Қўшма Штатлари ва бошқа ривожланган давлатларнинг олий таълимида қўлланилувчи кредит-модуль тизими мазмунан ва шаклан такомиллаштирилди. Жаҳон олий таълим амалиётида самарали ва етакчи тенденция сифатида Европа ягона таълим муҳитининг Болонья тизими устуворлик қилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида кредит-модуль тизими кенг қўлланилиб келинмоқда. Буннинг бош сабаби замонавий, инновацион фаолиятга тайёр мутахассисдан касбий компетентлик ва турли вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш, жамоавий ҳаракатланиш ва унда ўзини намоён этиш, касбий ва ижтимоий ахборотларни мустақил излаш, топиш, олиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, манзилли фойдаланиш, трансформацион вазиятларга мослашувчанлик талаб этилишидир. Санаб ўтилган касбий, шахсий, махсус сифатларга эга мутахассисни тайёрлаш эса, олий таълим муассасалари олдида турган долзарб ижтимоий-педагогик масалалардандир.

Олий таълимда ўқитишнинг кредит-модуль тизимидан фойдаланиш санаб ўтилган жиҳатларга эга кадрларни тайёрлашда кенг имкониятлар яратади. Касбий етилиш жараёнини қулайлаштириш ва самарадорлаштиришда ҳамда меҳнат бозорининг ўзгарувчан эҳтиёжларини қоплашда мазкур тизим энг оптимал механизм сифатида намоён бўлмоқда. Яъни кредит-модуль тизими олий ўқув юртлари битирувчиларининг академик мобиллигини таъминлайди. Кредит тизимининг аҳамияти шундаки, академик дастурлар меҳнат бозори талабларига мос ҳолда тузилади. Айниқса, мустақил таълим ва амалиётнинг алоҳида компонент сифатида ажратилишида ҳам талабаларни касбий фаолиятга эрта тайёрлашни кўзда тутувчи механизм эканлигини намоён этади.

Мазкур тизим доирасида ўқув режадаги фанларнинг 50 фоизи танлов фанларига ажратилади. Бундан ташқари, таълим олувчиларни ўқитиш ва меҳнат бозорига комплекс тайёрлашга индивидуал ёндашилади. Талабалар мустақил таълим олишга мақсадли йўналтирилади. Бунинг учун олий таъ-



лимда назарий ва амалий машғулотлар ҳамда педагогик амалиёт интеграциясини мазмунан таъминлаш мақсадида ахборот муҳити тақозо этилади.

Бўлажак махсус педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг амалий йўналган жараёнида индивидуаллашган ва дифференциаллашган ёндашувлардан фойдаланиш таълим муассасаларининг муқобиллиги, ўқув-дастурий ҳужжатларнинг тизимлараро ҳаракатчанлиги, трансформацион ижтимоий-иқтисодий шароитга мослашувчанлигини оширади.

Педагогик амалиёт жараёнида талаба йўналган педагогик таъсир инструментларидан фойдаланиш ҳар бир киши учун тенг равишда таълимни таъминлаш, интеллектуал, маданий, ижтимоий, илмий ва технологик салоҳиятни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим сифатини такомиллаштириш имконини беради. Бу тизимнинг олий таълимга жорий қилиниши субъектлар фаолиятида шаффофликни таъминлаш, коррупция ҳолатларига барҳам бериш ва олдини олиш, ўқитиш-тарбиялаш сифатини ошириш, талабаларнинг ҳаққоний потенциалини юзага чиқаришга имкон беради ва уларни мустақил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлашга йўналтириш учун замин яратади.

Ҳозирги кунда Европа кредит-модуль тизими қитъанинг деярли барча олий таълим муассасаларида қўлланилмоқда. Кредит-модуль тизимида олий таълим ўқитувчиси ва талабаларнинг ҳамкорликда-бир чизикда иш олиб боришлари муҳим омил саналади. Ушбу таълимда ўқитувчи талабаларнинг ўзлаштириш жараёнини мувофиқлаштиради, йўналтиради ва амалий йўналган тарзда ташкил этади, узликсиз равишда маслаҳат беради, бошқаради ва текширади. Талаба эса, ўз ўрнида академик-ижтимоий йўналтирилган, креатив ёндашган ҳолда мустақил ҳаракат қилади. Асосий эътибор талабаларнинг мустақил таълим олишига, қарор қабул қилишига, креатив фикрлашига, касбий компетенцияларни намоён этишига қаратилади.

Педагогика фанида билим билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи тасодифий эмас. Мазкур масала шахс ривожланишининг турли босқичларида ўрганиш (кашф этиш, тақлид...) га бўлган ижтимоий эҳтиёж билан боғлиқ равишда оидинлашади. Касбий билимларни ўрганиш, соҳага оид кўникма ва малакаларни эгаллашга мақсадли йўналганлик натижаларини намоён этишда амалиёт муҳим шартлардан ҳисобланади. Бунда талаба турли хил ижтимоий, иқтисодий ва маданий шароитларда фаолият юритиш учун тайёрланиши, дунёқарашлари, ўқитиш ва ўрганиш имкониятларини кенгайтириши жуда муҳим. Чунки у ўқитиш ва ўргатишга доир зарур ҳа-



ракатларни турли вазиятларда, кутилган ва кутилмаган ҳодисалар оқимида бажаришига тўғри келади.

#### Адабиётлар:

1. Ибадуллаева Ш.Н. Педагогик амалиёт жараёнида бўлажак махсус педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг механизмларини такомиллаштириш// Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириш. Илимий-методикалык журнал. 2023. 2/1.105-110 б.
2. Ибадуллаева Ш.Н. Педагогик амалиёт талабаларни касбий фаолиятга комплекс тайёрлаш жараёнида// Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириш. Илимий-методикалык журнал 2023. 3/3.156-161 б.
3. Ибадуллаева Ш.Н. Бўлажак махсус педагоглар учун амалиётнинг ўрни / “Таълим ва тарбия жараёнида шахс креатив қобилиятини шакллантиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция, 2023, Жиззах, 47-49 б.
4. Ибадуллаева Ш.Н. Бўлажак махсус педагогларни касбга тайёрлашда амалиётнинг аҳамияти / “Таълим ва тарбия жараёнида шахс креатив қобилиятини шакллантиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция, 2023, Жиззах, 443-446. б.
5. Ибадуллаева Ш.Н. Бўлажак махсус педагоглар учун педагогик амалиётнинг вазифалари/ “Таълим ва тарбия жараёнида шахс креатив қобилиятини шакллантиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция, 2023, Жиззах, 67-69. б.
6. Ибадуллаева Ш.Н., Бўранбоева Ш.Қ. Имконияти чекланган шахслар учун яратилган имтиёзлар / “Таълим тизимида янги методикалар ва улардан фойдаланишнинг амалий асослари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция, 2023, Навоий, 320-323. б.
7. Ибадуллаева Ш.Н., Бўраева.Д.А. Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган сурдопедагогика / “Таълим тизимида янги методикалар ва улардан фойдаланишнинг амалий асослари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция, 2023, Навоий, 228-231. б.
8. Ибадуллаева Ш.Н., Боқиева С. Моҳир мутахассис бўлиб етишишда касбий амалиётнинг аҳамияти / “Таълим тизимида янги методикалар ва улардан фойдаланишнинг амалий асослари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция, 2023, Навоий, 111-114.б.
9. Ибадуллаева Ш.Н., Тўраева.Ж. Ўқитиб –ўзимиз ҳам ўрганамиз / “Таълим тизимида янги методикалар ва улардан фойдаланишнинг амалий асослари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция, 2023, Навоий, 365-369.б.
10. Ибадуллаева Ш.Н., Маҳкамova.Н. Инклюзив таълим:муаммо ва ечимлари / “Таълим тизимида янги методикалар ва улардан фойдаланишнинг амалий асослари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция, 2023, Навоий, 365-369.б.
11. Ибадуллаева Ш.Н., Рихситиллаева Ў. Махсус педагогика йўналишида сифатли таълим беришнинг ўзига ҳослиги / “Сифатли таълим-таракқиёт пойдевори” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция, 2023, Апрель, 366-370.б.
12. Ибадуллаева Ш.Н., Абдуазизова.Ш. Сифатли таълим беришда инклюзив таълимнинг ўзига ҳослиги/ “Сифатли таълим-таракқиёт пойдевори” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция, 2023, Апрель, 7-10.б.
13. Ибадуллаева Ш.Н., Ахрарова.Г. Талабаларга сифатли таълим беришда касбий фаолиятга йўналтирилган амалиёт даврининг аҳамияти / “Сифатли таълим-таракқиёт пойдевори” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция, 2023, Апрель, 146-149.б.
14. Ибадуллаева Ш.Н. Етук мутахассис бўлиб етишишда педагогик амалиётнинг ўрни / “Инсон фаровонлиги ўрганишда фанлараро ёндашув” мавзусидаги республика илмий конференция, 2023, Октябр, 176-179.б.
15. Ибадуллаева Ш.Н., Сафарова.Ф. Талабаларни касбий амалиётга ерта ва мақсадли тайёрлаш / “Сифатли таълим-таракқиёт пойдевори” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция, 2023, Апрель, 186-188.б.